# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 10 апрель, № 71 (6254) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

*Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.*

Жумладан:

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти — **Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли Кучлари Бош қўмондони ўринбосари, Абу Даби Амирлиги Валиаҳди — **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири — **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**

Марокаш Қироли — **Муҳаммад VI**

Кувайт Давлати Валиаҳди — **Навоф ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Швейцария Конфедерацияси Федерал Президенти — **Симонетта Соммаруга**

Словакия Республикаси Президенти — **Андрей Киска**

Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиумининг Раиси — **Ким Ен Нам**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби — **Дмитрий Мезенцев**

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби — **Ийд бин Амин Мадани**

Туркистон — Америка ассоциацияси раиси — **Абдулла Хўжа**

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) президенти — **Ким Ёнг Мок**

Халқаро қиличбозлик федерацияси президенти — **Алишер Усмонов**

«Марубени Корпорейшн» президенти ва бош директори, бошқаруви аъзоси — **Фумия Кокубу**

«Марубени Корпорейшн» корпоратив маслаҳатчиси — **Мамору Секияма**

Германия — Ўзбекистон ишбилармонлик кенгаши раиси, «КЛААС» концерни бошқаруви аъзоси — **Ян-Хендрик Мор**

«Пиканол» компанияси бош ижрочи директори — **Люк Так** табрик йўллаган.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

# ХАЛҚИМИЗ БОР ЭКАН, АМИР ТЕМУР НОМИ БАРҲАЁТ!

*Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тарихий адолатни тиклаш, миллий ўзликни англаш, улуғ аждодларимиз меросини кенг тадқиқ ва тарғиб этиш, уларнинг номини абадийлаштириш, ўсиб келаётган навқирон авлодни бобокалонларимизнинг фаолияти ҳамда асарларидан баҳраманд этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Буни шу кунларда халқимиз даҳосининг тимсоли, беназир саркарда ва давлат арбоби, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 679 йиллиги муносабати билан жойларда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.*

ЭҲТИРОМ



Хусусан, кеча пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида ўтказилган тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, нуронийлар, шоир ва ёзувчилар, талаба-ёшлар ҳозир бўлишди. Унда сўзга чиққан Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Нозим Ҳабибуллаев, тарих фанлари доктори Дилором Юсупова, шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова ва бошқалар улуғ соҳибқироннинг ҳаёти ҳамда фаолияти авлодлар учун муҳим ибрат эканлигини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита саъй-ҳаракати, ташаббуси ва раҳнамолигида Амир Темурнинг фаолиятини ўрганиш ҳамда оммалаштиришга кенг йўл очилди. Кўчалар, майдонлар, хиёбонлар ул зот номи билан аталди. Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабзда улуғ саркарданинг ҳайкали ўрнатилди. 1995 йилда Халқаро Амир Темур жамғармаси ташкил этилди. 1996 йил мамлакатимизда "Амир Темур йили" деб эълон қилинди ҳамда пойтахтимизда Темурийлар тарихи Давлат музейи қад ростлади, "Амир Темур" ордени таъсис этилди. Худди ўша йили Тошкент, Самарқанд ва қатор хорижий давлатларда ЮНЕСКО шафелигида соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, "Соҳибқирон даҳоси йўлчи юлдуз каби чарақлаб, бизни доимо олижаноблик ва бунёдкорликка чорлайди! Бу дунёда халқимиз, миллатимиз, Ўзбекистонимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаёт!"

Бобокалонимиз шон-шуҳрати унинг ҳаётлик чоғидаёқ етти иқлимга етган. Амир Темур мингта жанг ўтказиб бирортасида ҳам енгилмаган машҳури замон саркарда ҳамда давлат тузилиши ишларига, илм-фан, маърифат, маданият тараққиётига улкан ҳисса қўшган сиёсий арбоб сифатида тарихга кирди. Амир Темур тарафидан тарқоқ ўлкалар ягона давлатга бирлаштирилиб, барқарорлашгандан кейин юрт иқтисодиёти мустаҳкамланди, савдо ҳамда ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш ривожланди, узоқ ва яқин қўшни мамлакатлар билан савдо-хўжалик алоқалари кенгайди.

(Давоми 2-бетда).

# Тадбиркор аёллар

## нафақат оиласи фаровонлигига, балки юртимиз равнақига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда

*Республикамизда ўз меҳнати, интилиши ва ташаббуси билан эътибор қозонаётган тадбиркор аёллар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу, албатта, жамият ҳаётида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида рўёбга чиқарилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий самарасидир.*

ИЗЛАНИШ

...Оҳангаронлик ҳунарманд Зарифахон Баҳодирова Германиядан хат олди. Бундан сал аввал юртимизда меҳмон бўлган сайёҳлардан бири йўллаган ушбу мактубда қуйидаги сўзлар битилган эди: "Менга тақдим этган эсдалик совғангиз — толхивичдан ясалган пазандалик анжоми оила аъзоларимга жуда манзур бўлди. Ўзбек халқининг ҳунармандчилик санъатига қойил қолиб, ижодий ишларингизга катта қизиқиш билдиришди. Ҳатто, рафиқам устахонангизда кўрганим — оддий навдалардан тўқилган тебранма курсини харид қилмаганим учун норози бўлди. Майли, буниси келаси сафарга қолди. Ҳозирча ҳаммаси учун раҳмат. Эҳтиром билан Бернд Хенн".

Аслида, Зарифа опа учун бундай мактублар биринчиси эмас. Чунки у юртимиз ва хорижда ўтказилган кўплаб халқаро кўргазмалар ва бизнес-конференцияларда иштирок этиш асносида чет эллардан ўнлаб ҳамкору мухлислар орттиришга эришган. Оддий тол навдаларидан тайёрланаётган бежирим уй-рўзғор анжомларидан тортиб, моҳирона ишланган нафис мебелларни ҳеч иккиланмай мўъжизага менгзаш мумкин. Ҳунарманд томонидан ясалган буюмлар ҳар қандай харидорни мафтун этаётганининг боиси ҳам шунда аслида. Кейинги пайтларда асосий эътиборни экспортга қаратаётган тадбиркор аёлни гапга солсангиз, шу кунларда ўз маҳсулотини ташқи бозорга йўналтириш ҳаракатида юрганини тўлиб-тошиб сўзлайди...

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили вилоятда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадларига тижорат банклари томонидан 56 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратилди. Бу ишбилармон аёллар фаолиятида муҳим омил бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

*Навоий шаҳридаги Навоий давлат педагогика институтида "Глобал олий таълим тизимида илмий тадқиқотларнинг замонавий услублари" мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.*

# Ютуқ ва тажрибаларимиз эътирофи

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда тегишли олий ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, Россия, Болгария, Миср каби давлатлардан ташриф буюрган мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ҳамда талабалар қатнашди.

Анжуманда юртимизда Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимининг миллий моделини янада мустаҳкамлаш мақсадида соҳанинг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва ривожлантириш борасида салмоқли натижалар қўлга киритилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Бундай ютуқларимиз халқаро миқёсда ҳам кенг ўрганилмоқда, — дейди Навоий давлат педагогика институти кафедра мудири Нигора Сафарова. — Ҳатто, бир қатор тараққий этган мамлакатларда ана шу илғор тажрибаларимиздан андоза сифатида фойдаланилаяпти. Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган "Инссад" халқаро бизнес мактаби томонидан 2012 йилда эълон қилинган "Инновацияларнинг глобал индекси" номли маърузасига кўра, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича Ўзбекистон жаҳондаги 141 мамлакат ўртасида иккинчи ўринни эгаллаган. Бу юртимизда ёш авлод камолоти давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг яна бир тасдиғидир.

Тадбир давомида чет эллик олим ва мутахассислар Ўзбекистонда таълим, хусусан, олий таълим тизимида илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун барча қулайлик яратилганини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

— Мамлакатингизда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир салоҳиятли кадрлар тайёрлаш учун мустаҳкам замин мавжуд, — дейди Болгария Фанлар академияси Жамият ва билимларни ўрганиш институти доктори Стефан Николов. — Ўқув муассасаларидаги шарт-шароитлар эса замон талаблари даражасида. Илмга иштиёқманд ёшлар давлат томонидан мунтазам қўллаб-қувватланар экан. Қолаверса, уларнинг бандлигини таъминлаш масаласи ҳам алоҳида эътибор ва назоратда. Албатта, буларнинг бари барқарор тараққиёт кафолатидир.

Конференцияда таълим муассасаларида тарбиявий-маърифий ишларни такомиллаштириш, етук мутахассислар шаклланишида инновациянинг роли ва глобаллашув жараёнида фанлар методологияси, таълим тизимига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Энергетика ресурслари ва самарадорлик

*Андижон шаҳрида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун саноат корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлилига бағишланган семинар бўлиб ўтди.*

АНЖУМАН

Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда ушбу халқаро молия муассасаси кўмагида республикамизда электр ва иссиқлик қувватидан оқилона фойдаланишга қаратилган лойиҳалар ижроси хусусида ахборот берилди.

Маълумки, бугунги кунда дунё миқёсида энергия ресурслари тобора камайиб, унга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, юртимизда илм-фан ютуқларини ҳаётга изчил татбиқ этиш орқали қайта тикланмайдиган энергетика манбалари сарфини қисқартириш чоралари кўрилаётир.

— Мамлакатимизда мазкур йўналишда умумий қиймати 166 миллион АҚШ долларилик 79 та лойиҳани рўёбга чиқариш мўлжалланаяпти, — дейди Жаҳон банки вакили Искандар Бўронов. — Пировардида йилига 550 миллион киловатт-соат электр энергияси ва 150 миллион куб метр газ тежалишига эришилади.

"Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамиятида ҳам ана шундай лойиҳа ниҳоясига етказилмоқда. Семинар қатнашчилари мазкур корхонада бўлиб, бу ерда олиб борилган ишлар билан яқиндан танишдилар. Айтиш керакки, озуқа этил спирти ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур жамиятда сўнгги йилларда модернизациялаш тадбирлари амалга оширилди.

(Давоми 3-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2014 йилда мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми

**9,4**

**фоиз ўсди.**




*Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича кўрилган изчил чора-тадбирлар нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам рақобатбардош бўлган истеъмол товарлари тайёрлаш ҳажмини кескин ошириш имконини берди.*

# ХАЛҚИМИЗ БОР ЭКАН, АМИР ТЕМУР НОМИ БАРҲАЁТ!





(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугун жаҳоннинг элликдан ортиқ давлатида темуршунос олимлар илмий изланишлар олиб бормоқда. Темур ва Темурийлар даврига бағишланган кўплаб китоблар чоп этилаяпти. Ўтган давр мобайнида Европада Амир Темурга бағишлаб ёзилган салмоқли асарларнинг сони 500 га етди, Шарқда эса 900 дан ошади.

Амир Темур бунёд этган ўнлаб меъморий ёдгорликлар инсон тафаккури, ақли ва салоҳиятининг беназир тажассумидир. Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур “Ободончиликка арзийдиган бир қарич ҳам ер бўш қолмасин”, деб қайғурарди. Буюк бобомиз фаолияти, ўгитлари бугун ҳам бизга дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Юртбошимиз раҳнамолигида инсонни улуғлаш, барча соҳада адолат тамойилига амал қилиш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар ва уларнинг юксак самаралари бунга яққол далилдир.

“Кексаларни эъзозлаш йили” деб номланган жорий йилда бу борадаги хайрли ишлар янада кенг тус олган. Ҳар бир инсонга, хусусан, ёши улуғ кишиларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, нуроний отахону онахонларни рози қилиб, уларнинг дуоюу маслаҳатларини олиш ҳаётимизнинг барча жабҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларда янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Афзал Рафиқов Амир Темур монологини, ёш шоир Фахриддин Ҳайит соҳибқиронга бағишланган шеърини ўқиб берди.

Иштирокчилар Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов қатнашди.

* * *

Шу куни Темурийлар тарихи Давлат музейида “Амир Темур даврида илм-фан ва маданият ривожининг умумбашарий аҳамияти” мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир доирасида “Амир Темур — ёш рассомлар нигоҳида” кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди. “Шоҳруҳия — Темурийлар даври бунёдкорлиги ёдгорлиги” кўргазмаси ташкил этилди.

Амир Темур таваллуд топган замин — Қашқадарё вилоятида ҳам бир қатор тадбирлар ўтказилди. Олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва мактабларда уюштирилган анжуманларда халқимиз жаҳон тамаддунида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган соҳибқирон Амир Темур номи ҳамда унинг амалга оширган ишлари, бизга қолдирган ёдгорликлари билан ҳақли равишда фахрланиши алоҳида таъкидланди.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги “Нуристон” академик лицейида “Амир Темур — фахримиз, ифтихоримиз, ғуруримиз” шиори остида ўтказилган тадбирда “Мозийга муҳрланган маҳорат”, “Адолатни байроқ қилган саркарда” мавзуларида маърузалар тингланди. “Буюк Темур тарихи” асаридан, “Соҳибқирон” драмасидан парчалар намойиш қилинди. Ўқувчилар томонидан “Темур тузуклари”дан намуналар, буюк соҳибқиронга бағишланган шеърлар ўқилди.

Амир Темур таваллудининг 679 йиллиги Самарқанд вилоятининг барча гўшаларида кенг нишонланди. Хусусан, кеча эрта тонгдан вилоят ва шаҳар жамоатчилиги вакиллари Амир Темур мақбарасини зиёрат қилдилар. Улуғ саркарда ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

Тадбирда иштирок этган олимлар, жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бобокалонимиз буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдиргани, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очганини таъкидладилар.

Сана муносабати билан вилоятдаги барча таълим муассасаларида ҳам анжуманлар, давра суҳбатлари ташкил этилди.

— Институтимизда ўтказилган қатор тадбирларда Амир Темурнинг буюк шахс сифатида улкан фалсафий салоҳияти, бунёдкорлиги, инсонларда камдан-кам учрайдиган ноёб қобилият соҳиби бўлганлиги, буюк аждодимизнинг саркардалик хислатлари, давлат арбоби, илм-фан ҳомийси сифатида амалга оширган эзгу ишлари ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлиб бораяпмиз, — дейди Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси Абдуқаҳҳор Ўроқов. — Бобокалонимиз босиб ўтган йўл биз ёшларнинг етук аждодларимизга муносиб ворис, порлоқ келажак бунёдкори сифатида камол топишимиз, таълим-тарбия олишимизда ибрат намунаси бўлмоқда.



Амир Темур таваллудининг 679 йиллигига бағишланган бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳам давом этмоқда.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Бахтиёр АКРАМОВ ва Бахтиёр МУСТАНОВ олган суратлар.

## ЯРМАРКА

*Нукусда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.*

# Саноат салоҳияти намойиши

Буюртмалар портфелини тўлдиришда катта имкониятлар яратаётган мазкур анъанавий тадбир, айтиш мумкинки, Оролбўйи минтақаси ишбилармонларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Буни иштирокчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Хусусан, ўтган йили ярмаркада 215 та корхона ва ташкилот қатнашган бўлса, жорий йилда улар сони қарийб 300 тага етди. Тақдим этилган маҳсулотлар тури эса уч мингдан зиёдни ташкил қилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар нафақат ҳудудлар марказлари, балки чекка ва олис қишлоқларда ҳам маҳаллий хом ашё асосида рақобатбардош ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тадбиркорлар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, жумладан, мазкур ярмарка ана шундай амалий кўмакнинг яна бир ифодаси эканлигини таъкидладилар.

— Ҳар йили Кооперация биржасида фаол қатнашиб келамиз, — дейди тадбиркор Мурод Шимбергенов. — Унинг биз, ишбилармонлар учун қулайлиги кўп. Масалан, Маҳаллийлаштириш дастури ёки экспорт келишуви асосида маҳсулот етказиб берувчиларнинг шартномалари қўшимча талабларсиз ярмарканинг ўзида рўйхатдан ўтказилади. Бундан ташқари, бюджет ташкилотларининг ушбу тадбир давомида тузилган шартномалари қўшимча талабларсиз молиялаштирилади. Бу эса ўз маҳсулотларимизни ҳеч қандай тўсиқларсиз сотишимизда қўл келмоқда.

Амударё туманидаги “Элтузар” корхонаси ҳам мазкур кўргазмада 14 турдаги қурилиш материалларини намойиш қилди. Бу ерда маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган турли бўёқлар, пардозлаш воситалари нисбатан арзонлиги ҳамда сифатлилиги билан қурилиш ташкилотларига маъқул келди. Натижада кичик бизнес субъекти ана шундай жамоалар билан умумий қиймати 80 миллион сўмликдан ортиқ ўзаро келишувга эришди.

Саноат ярмаркасида ишлаб чиқарувчиларнинг импорт ўрнини босувчи янги турдаги маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

Икки кун давом этган тадбир якунида 12 миллиард сўмликдан зиёд шартномалар тузилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚУЛАЙЛИК

*Ромитан тумани марказида 40 ўринли “Темур Плаза” меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун сифатли сервис хизмати йўлга қўйилган.*

# Сайёҳлар учун сервис хизмати

Қолаверса, чет эллик меҳмонларни туман ҳудудидаги бир қатор зиёратгоҳлар билан яқиндан таништириш ҳамда уларнинг мамлакатимиз ҳақидаги тасаввурларини янада бойитиш мақсадида меҳмонхона қошида бир қатор сайёҳлик йўналишлари ташкил қилинди.

“Ўзбектуризм” Миллий компанияси Бухоро минтақавий бўлимидан олинган маълумотларга кўра, айни пайтда вилоятдаги меҳмонхоналар сони 82 тага етди. Сайёҳларга 1500 нафардан зиёд киши хизмат қилмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа сатрларда

● Пойтахтимизда тиббиётнинг долзарб масалаларига бағишланган ёш олимлар анжумани бўлиб ўтди. Унда ёш олимлар ва талабаларнинг ички касалликлар, жарроҳлик, педиатрия, гинекология, тиббий-биологик масалалар ҳамда бошқа мавзуларда амалга ошираётган илмий изланишларига оид маърузалари тингланди.

● **Бухорода одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро вилоят комиссиясининг йиғилиши ўтказилди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари, тегишли бошқармалар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этган тадбирда одам савдосига қарши курашиш бўйича Олот ва Қоракўл туманлари идоралараро комиссиялари фаолиятини ўрганиш якунлари муҳокама қилинди.**

● Андижонда “Ўзавтотеххизмат” акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар ишчи ва хизматчилари ўртасида ўтказилаётган “Йил устаси — 2015” танловининг вилоят босқичи ташкил этилди. Танлов иштирокчилари мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, электр қисмлари ҳамда двигателни кўрикдан ўтказиш, носоз қисмларни таъмирлаш бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

● **Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманидаги “Элликқалъа” овул фуқаролар йиғини ҳудудида янги савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда маиший техника воситалари, қурилиш маҳсулотлари, уй-рўзғор буюмлари савдоси йўлга қўйилди.**

● Фарғонада ёшларни соғлом эътиқод, ватанпарварлик ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, уларни бузғунчи ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбир доирасида “Осуда ҳаёт қадри” номли фото ва китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# Аждодлар мероси — ифтихоримиз

**Пойтахтимизда «Соҳибқирон Амир Темур сиймоси — ватанпарварлик тимсоли» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил қилинган тадбирда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, ёзувчи ҳамда шоирлар, талабалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маълумки, истиқлол йилларида буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, бой меросини ўрганиш борасида амалга оширилаётган ибратли ишлар навқирон авлод камолотида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Амир Темур — буюк саркарда, моҳир дипломат, адабиёт ва санъат ҳомийси, улкан бунёдкорликлар раҳнамоси сифатида ном қозонган. Унинг ҳукмронлиги даврида мамлакат ҳар жиҳатдан равнақ топди. Бири-биридан гўзал боғ-роғлар, работлар бунёд этилди, мадрасаю миноралар қад ростлади. Қолаверса, кучли давлат, адолатли жамият барпо этиш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, барқарорлик ҳамда халқ фаровонлигини таъминлашдек эзгу қарашлари асрлар ўтса-да, долзарблигини йўқотгани йўқ.

Бобомизнинг “Темур тузуклари”да ўз аксини топган давлатчилик, ҳарбий маҳорат, бунёдкорлик салоҳияти, илму фан, санъат ва меъморликка оид қарашлари, шунингдек, инсон қадрини баланд тутадиган эзгу ишлар ҳақида айтган фикрлари ва бошқа фазилатлари ибрат мактабидир.

Тадбирда Амир Темур ва Темурийлар даврида давлатчилик сиёсати, ўзбек адабиётида Амир Темур маънавий меросининг талқинига бағишланган маърузалар тингланди.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**

# Тадбиркор аёллар

**нафақат оиласи фаровонлигига, балки юртимиз равнақига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Капитал қўйилмаларнинг бир қисми аёллар бошқараётган микрофирмалар, ишлаб чиқариш субъектлари ва фермер хўжаликларига йўналтирилди, яна бир қисми якка тартибдаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришга сарфланди.

— Хотин-қизларимиз ўз оиласи даромадини ошириш баробарида, жойларда аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда, — дейди “Ҳунарманд” уюшмаси Паркент тумани бўлими раҳбари Зулхумор Мирёқубова. — Масалан, айни пайтда туманимизда 30 нафар ҳунарманд аёл ўз шахсий бизнесига эга. Уларнинг ишбилармонлик лойиҳаларининг рўёбга чиқиши ва фаолият турларининг шаклланиб боришида давлатимиз томонидан яратилаётган имтиёз ҳамда преференциялар муҳим ўрин тутаяпти. Ўз навбатида, мустақил равишда ишламоқчи бўлган ҳунармандларимизга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш билан бирга, банк-молия хизматларидан фойдаланишларига кўмаклашаяпмиз. Бундан ташқари, уларни ихчам ускуна ва дастгоҳлар билан таъминлашга ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдамиз. Хусусан, банк кредити ҳисобидан 38 та замонавий тикув машинаси харид қилиб, чеварларимизга етказиб бердик.



Бундай саъй-ҳаракатлар жойларда аёллар бандлигини таъминлаш, уларга ижтимоий мададни кучайтиришда янги имкониятлар эшигини очмоқда. Ўтган йили вилоятда яратилган 87421 иш ўрнининг 45 мингдан зиёдига айнан хотин-қизлар жалб қилинди. Жумладан, уй меҳнатининг барча шакли, хусусан, касаначиликни ривожлантириш ҳисобидан 2 минг 673 нафар аёл доимий даромад манбаига эга бўлди. Хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали эса жойларда 18 мингга яқин иш ўринлари юзага келди.

Бекобод шаҳрилик Ўғилой Мирзамуродова ҳам ана шундай имкониятдан фойдаланиб, “Зулфия Бону чевар” тикувчилик цехини ташкил этди. Банк ажратган кредит ҳисобидан замонавий бичиш-тикиш ускуналари харид қилинди. Маҳалладаги хотин-қизларга ҳунар ўргатиш, эҳтиёжманд оилалар фарзандларини иш билан таъминлашни мақсад қилган тадбиркор аёлнинг мўъжазгина корхонасида болалар кийими, мактабгача таълим ва тиббиёт муассасалари учун махсус чойшаблар ҳамда бошқа тикувчилик маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Бугун вилоятда фермер аёллар сафи ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Соҳа мутасаддилари томонидан эътироф этилган қизиқ бир ҳолат шундаки, айнан аёллар раҳбарлик қилаётган фермер хўжаликларида бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, қўшимча тармоқларни ишга туширишга интилиш кучли экан.

Янгийўл туманидаги Шўралисой қишлоғида истиқомат қилувчи Гулчеҳра Султонова ҳамиша янгиликка интилувчи фермерлардан бири. Мамлакатимизда қишлоқ мулкдорларининг эмин-эркин ишлаши учун яратилаётган қулайликлардан самарали фойдаланаётган ер эгаси экин майдонларини ҳам, фаолият кўламини ҳам муттасил кенгайтириб бормоқда. Яқинда хўжаликда яна бир қўшимча тармоқ — паррандачилик йўлга қўйилди. Айни пайтда бу ерда хориж технологияси асосида 20 мингтадан зиёд товуқ парваришланаяпти.

— Вилоятимизда аёлларни тадбиркорликка жалб этиш ва уларга амалий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида жойларда ташкил этилаётган илмий-амалий конференциялар, семинар-тренингларнинг аҳамияти катта бўлаяпти, — дейди вилоят ҳокимлиги котибият мудири Н. Қулбекова. — Охирги бир йил мобайнида туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари, қишлоқ ва маҳаллалар, таълим муассасаларида 900 га яқин ана шундай тадбирлар ўтказилди. Уларда адлия, банк-молия, суғурта ташкилотлари, ишлаб чиқарувчи ва таъминотчи корхоналар мутасаддилари иштирок этгани хотин-қизларимизни қизиқтирган масалаларга биргаликда ечим топиш имконини берди.

Рағбат инсонни ҳамиша улкан мақсадлар, янги орзу-умидлар сари бошлайди. Бинобарин, юртимизда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган юксак эътибор уларни мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг фаровон ҳаёти учун завқ-шавқ билан меҳнат қилишга ундамоқда.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Президентимизнинг “Жиззах” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида мазкур ҳудудда умумий қиймати 12 миллион АҚШ долларилик учта қўшма корхона иш бошлади.

# Жаҳон чемпионати якунланди

*Пойтахтимиз мезбонлик қилган қиличбозлик бўйича ўсмирлар ва кадетлар ўртасидаги жаҳон чемпионати якунланди.*

TASHKENT 2015
FENCING CADET AND JUNIOR WORLD CHAMPIONSHIPS

Нуфузли мусобақа Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси томонидан Халқаро қиличбозлик федерацияси (FIE) билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда юзга яқин давлат спортчилари совринли ўринлар учун ўзаро беллашди.

Ёзги Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган қиличбозлик мамлакатимизда ҳам жадал ривожланиб бораётган спорт турларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда Олимпия захиралари коллежлари ва спорт мактабларида қиличбозлик бўлимлари ташкил этилган. Спортчиларнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва муносиб иштирок этиши учун қулай имкониятлар яратиб берилмоқда. Ана шундай юксак эътибор туфайли мазкур спорт турига қизиқувчилар сафи тобора кенгайиб, қўлга киритилаётган ютуқлар салмоғи ҳам ортиб бораётир. Масалан, моҳир қиличбозларимиздан бири Руслан Кудаев 2012 йили Лондонда ўтказилган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида муносиб қатнашди. Яна бир маҳоратли спортчимиз Роман Александров Осиё чемпионатларининг кумуш ва бронза медалига сазовор бўлган. Жорий йилда Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган ўсмирлар ва кадетлар ўртасидаги қитъа чемпионатида ҳамюртимиз Малика Ҳакимова шпага йўналиши бўйича олтин медални қўлга киритди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, "Ўзбекистон" спорт саройи ҳамда Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактабида яратилган шарт-шароитлар, юртимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларни юксак савияда ташкил этиш борасида тўплаган бой тажрибаси ушбу жаҳон чемпионатини ҳам муносиб ўтказишда муҳим омил бўлди. Буни спорт анжумани иштирокчилари, хорижлик мутахассислар ҳам алоҳида эътироф этишди.

Кеча "Ўзбекистон" спорт мажмуасида қиличбозлик бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг ёпилиш маросими бўлди.

Шу тариқа спорт ихлосмандларига ҳаяжонли онлар ва улкан таассуротларни туҳфа этган жаҳон чемпионати якунланди. Ўз навбатида, мазкур мусобақа мамлакатимиз ёш қиличбозлари учун катта маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

# Бетакрор анъаналар ва ёшлар маънавияти

*Темурийлар тарихи Давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Тил ва адабиёт институти, "Ўзбекистон — Ҳиндистон" дўстлик жамияти ҳамкорлигида "Халқ оғзаки ижоди: ёшлар ва хорижликлар нигоҳида" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.*

АНЖУМАН

Тегишли вазирлик ва идоралар, юртимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари ҳамда олий ўқув юртлари, профессор-ўқитувчилар талабалари иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий меросимиз, анъана ва қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уларнинг бардавомлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги "2010 — 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори бу йўналишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, халқ оғзаки ижоди намуналари, ижрочилик санъати, урф-одат, маросим ва байрамлар, ҳунармандликка оид билим ҳамда кўникмалар юзасидан тадқиқотларни кучайтириш, бу жараёнга ёш олимларни жалб этиш, номоддий маданий мерос тарихи моҳиятини очиб берувчи қадимий қўлёзмаларни ўрганиш, фольклор ижрочилиги сақланиб қолган ҳудудларга экспедициялар уюштириш юзасидан тизимли ишлар бажарилмоқда.

Тадбир давомида "Ўзбекистонда фольклор анъаналарини асраб-авайлаш ва ўрганиш истиқболлари", "Бахшилик санъати", "Хоразм достончилик анъаналари", "Фольклор ва ёшлар маънавияти" каби мавзуларда марузалар тингланди.

Шунингдек, халқ оғзаки ижодининг ноёб намуналари — лапарлар, ўланлар, бахшилар чиқишларидан иборат фольклор жамоасининг концерт дастури йиғилганларни хушнуд этди.

**О. ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

САНЪАТ

*Юртимизда халқаро жаз фестивали бошланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон давлат консерваторияси томонидан ташкил этилган мазкур санъат байрами АҚШ, Ҳиндистон, Франция ва Латвиянинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда ЮНЕСКО ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилмоқда.*

# Ўзбекистонда халқаро жаз фестивали

Бу ҳақда Ўзбекистон давлат консерваториясида уюштирилган матбуот анжуманида маълумот берилди. Таъкидланганидек, истиқлол йилларида миллий мусиқамиз билан бирга, жаҳон санъатининг қатор йўналишларини равнақ топтиришга ҳам катта эътибор қаратилаяпти. Буни ёшларимизнинг республикамизда ва халқаро миқёсда ўтказиб келинаётган турли кўрик-танлов, фестиваль ҳамда ижодий учрашувларда қўлга киритиб келаётган улкан муваффақиятларидан ҳам билса бўлади.

— Мазкур фестиваль санъат соҳасида халқаро ҳамкорлигимиз изчил йўлга қўйилганининг ёрқин ифодасидир, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Б. Яқубов. — Хорижлик мутахассислар, мусиқа ижрочилари нафақат фестивалда тарона ижро этишади, балки юртимиздаги санъатга ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолияти билан ҳам яқиндан танишади. Ўз навбатида, халқимизнинг кўп асрлик мусиқий анъаналаридан баҳраманд бўладилар.

Халқаро жаз фестивали 8 майгача давом этади.

**Дилмурод АБДУРАИМОВ.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Нефть ва газ соҳасида фаолият олиб борувчи "Royal Dutch Shell" (Нидерландия/Буюк Британия) компанияси ўз рақобатчиларидан бири — "BG Group" (Буюк Британия) компаниясини сотиб олиш юзасидан келишувга эришди.*

## Йирик келишув



Бу ҳақда "Евроньюс" телеканали хабар тарқатди. Харидор мазкур савдо учун жами 70 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтиради. Шу орқали "Royal Dutch Shell"нинг суюлтирилган газ етказиб бериш ҳамда бурғилаш ишларини олиб бориш имконияти кенгаяди. Аниқроғи, компаниянинг нефть ва газ захираси ортиб, ишлаб чиқариш ҳажми 20 фоиз юксалади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, нефть ва газ соҳасида сўнгги ўн йил ичида бундай йирик шартнома имзоланмаган.

## Автомобиллар савдосида ўсиш

*Март ойида Хитойда енгил автомобиллар савдоси 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 12 фоиз ўсди.*



Мамлакат автомобиль ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси томонидан маълум қилинишича, ўтган ойда ҳудудда жами 1,78 миллион дона машина сотилган. Бундай ижобий натижа турли йўлларда ҳаракатланишга мослаштирилган ҳамда ихчам русумдаги автоуловларга талаб ортгани туфайли қайд этилган. Жумладан, харидорларга етказиб берилган жами техника воситасининг 90 фоизини ана шундай моделлар ташкил қилган.

Маҳсулот сотиш бўйича энг яхши кўрсаткичга "Great Wall Motor Co." компанияси эришди. У мартда савдо ҳажмини 19 фоиз оширишга муваффақ бўлди.

Жорий йилда жаҳонга машҳур бир қатор компаниялар, хусусан, "Ford Motor Co." ва "Daimler AG" кабилар Хитойда ўз заводларини очади. Автомобилларга бўлган талаб ҳам сақланиб қолиши айтилмоқда.

## Зилзила содир бўлди

*Индонезия шарқидаги Папуа провинциясида 5,3 балли зилзила содир бўлди.*



Унинг маркази Биак оролидан 81 километр жануби-ғарбда, Чендравасих кўрфазининг ўн километр тубида қайд этилган. Қурбонлар ва вайроналар ҳақида маълумот йўқ. Цунами келиб чиқиш хавфи ҳам аниқланмаган.

Мазкур давлат сейсмик фаол ҳудудда жойлашгани учун тез-тез ер силкинишлари кузатилади.

## Футбол клубига харидор қидирилаяпти

*Англиянинг "Вест Бромвич" футбол клуби сотувга қўйилди.*

Унинг баҳоси 197 миллион евро этиб белгиланган. Жамоага АҚШ ва Хитой сармоядорлари қизиқиш билдираяпти. Аммо улар қўйилган нарх бир оз қиммат, деб ҳисоблашмоқда. Томонлар келишувга эришса, клуб қиймати 144 миллион еврогача пасайиши мумкин.

"Вест Бромвич" сотилган тақдирда ҳам жамоанинг асосий футболчилари ва бош мураббий фаолиятини давом эттираверади.

## Баҳорда қиш нафаси

*Ҳафта бошида Япония пойтахтида ҳаво ҳарорати 22 даража илиқ эди. Кеча у бирданига пасайиб, қалин қор ёғди. Табиатнинг баҳор фаслидаги бундай кутилмаган синови кўпчиликни ажаблантирди.*



Синоптиклар шу кунларда Токиода ҳарорат -6 даражагача тушиши мумкинлигини билдиришган. Худди шунга ўхшаш манзара Нагано ҳамда Тотиги префектураларида ҳам кузатилмоқда. У ерларда қорнинг қалинлиги 6 сантиметргача етган.

"Кунчиқар юрт"да охирги бор бундан беш йил олдин апрель ойида қор ёққан.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Мақсад — аҳолига янада қулайлик яратиш

*Президентимиз мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида бултур республикамиз иқтисодиётининг барча тармоғида юқори ўсиш суръатларига эришилганини алоҳида таъкидлади. Бу, шубҳасиз, давлат раҳбари ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинган ва дунё ҳамжамияти томонидан тараққиётнинг "ўзбек модели" дея эътироф этилган ислоҳотлар самарасидир.*

ИСЛОҲОТ

Қайд этиш жоизки, юртимизда ислоҳотлар жараёнида янги магистраль газ қувурларини қуриш ҳамда ишга тушириш орқали қишлоғу шаҳарларимизни газлаштириш ишлари ҳам жадал давом эттирилмоқда. Натижада кейинги беш йил ичида уларнинг узунлиги 1,4 баробар, газ тарқатиш тармоқларининг узунлиги эса 3 марта ўсиб, республикамизни газлаштириш даражаси 90 фоизга етди.

Маълумки, истеъмолчиларни табиий газ билан узлуксиз таъминлаш, шунингдек, уни етказиб бериш, транзит ва экспорт қилиш "Ўзтрансгаз" акциядорлик компаниясининг энг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу компания саъй-ҳаракати туфайли республикамизнинг барча ҳудудида 13 миллион 27,1 минг километрлик магистраль газ қувурлари ётқизилган бўлиб, улар орқали 20,5 миллиондан кўпроқ аҳоли истиқомат қилаётган 3 миллион 605 минг 834 та уй-жой, 80 минг 912 та улгуржи истеъмолчи, яъни 4 минг 964 та саноат корхонаси, 17 минг 833 та маиший ва ижтимоий объект ҳамда 58 минг 115 та якка тартибдаги тадбиркорга газ етказиб берилмоқда.

Компаниянинг 2012 — 2017 йилларга мўлжалланган режасига мувофиқ, магистраль газ қувурлари объектлари ва газ тақсимлаш тармоқлари қуриш, уларни модернизациялаш, қайта таъмирлаш кўзда тутилганини инобатга олсак, келгусида бу борадаги ишлар ҳажми янада кенгайиши муқаррар.

Бундан ташқари, компания томонидан газ тармоқларидан узоқда жойлашган қишлоқлардаги 1 миллион 791 мингдан зиёд истеъмолчилар суюлтирилган газ билан таъминланаяпти. Бу борада 330 мингта айланма газ баллони ва уларга хизмат кўрсатувчи 206 та сервис маркази ҳамда 283 та махсус автотранспорт воситасидан унумли фойдаланилаётир.

Ўтган давр мобайнида, шунингдек, табиий газ билан ҳаракатланувчи автомобиллар сони 15 фоиздан кўпроқ ошиб, метан газида ишловчи енгил автоуловлар қаторига юк транспортлари ҳам қўшилгани диққатга сазовор. Негаки, бу нафақат атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, балки ресурсларни тежашда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис мазкур тизим босқичма-босқич такомиллаштирилиб, республикамиз бўйича 210 та газ ёнилғисини қуйиш ҳамда 350 та сервис шохобчаси хизмати йўлга қўйилди.

Табиий газ — бебаҳо миллий бойлигимиз. Демак, ундан фойдаланишда исрофгарчиликнинг олдини олиш барчамизнинг бурчимиздир.

Хулоса ўрнида айтганда, компаниямиз томонидан амалга оширилаётган бу каби ишлар табиий газдан унумли фойдаланишга қаратилгани билан аҳамиятли саналади.

**Ботир ЗИЯЕВ,**
**«Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг матбуот хизмати раҳбари.**

# Энергетика ресурслари ва самарадорлик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Авваллари буғдойни ачитиш жараёнида ажралиб чиқадиган карбонат ангидрид ҳавога чиқарилар эди, — дейди жамият бош муҳандиси Зафарбек Худоёров. — 624 минг доллар эвазига келтирилган янги ускуналар 500 килограммгача миқдорда ушбу чиқиндини жамғариш имконини берди. Ундан саноат мақсадларида фойдаланиш мумкин. Қолаверса, атроф-муҳит ифлосланишининг ҳам олди олинади. Корхонамизнинг энергия ва сув сарфи эса 1,5 баробар қисқаради. Ҳозир тажриба-синов жараёни давом эттирилмоқда. Яқин кунларда лойиҳа амалиётга жорий қилинади.



Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Булоқбоши туманида жойлашган кичик гидроэлектростанцияда ҳам бу йўналишда эътиборга молик ишлар олиб борилаяпти.

— Ўтган асрнинг 50-йилларида қурилган ушбу иншоотнинг бугунги кунда самарадорлиги жуда паст, — дейди Шаҳрихон ГЭСлари каскади филиали бошлиғи Муҳаммаджон Маматов. — Лойиҳа 2016 — 2018 йилларга мўлжалланган бўлиб, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини 40 фоиз кўпайтиришни кўзда тутади.

Анжуман доирасида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ.**

Эълонлар

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Бухоро вилояти филиали
***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти, Ромитан тумани бўлими томонидан Ромитан тумани ФИБ судининг 2014 йил 28 октябрдаги 1-2216-R/14-ФИ ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Самосий кўчасида жойлашган, ер майдони 2221,44 кв.м., қурилиш майдони 253,84 кв.м.дан иборат бино-иншоотлар (темир қувурли иссиқхона ер майдони билан) такроран қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Ғиждувон тумани СИБ томонидан Бухоро вилояти Хўжалик судининг ижро варақасига асосан хатланган, Ғиждувон тумани, Зафаробод қўрғонида жойлашган, ер майдони 1402,0 кв.м.дан иборат маъмурий бино такроран қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 423 969 303 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 29 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 27 апрель куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ХАТБ «InFinBANK» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804920609029, МФО: 01107, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биноси, 4-қават. Телефон: (0-365) 221-58-70. www.1kms.uz**

497R/02

Хизматлар лицензияланган.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Сирдарё вилояти филиали
***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Сардоба тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 29 июлдаги 12-1106/6221 (27.1)-сонли, 2011 йил 1 июлдаги 12-1106/6243 (27.1)-сонли, 2011 йил 11 июлдаги 12-1106/6236 (27.1)-сонли ва 2011 йил 11 июлдаги 12-1106/6238 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сардоба тумани, Пахтаобод шаҳарчаси, Шарқ кўчасида жойлашган, «Пахтаобод пахта тозалаш» АЖга тегишли идора биноси бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 289 291 322 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 28 апрель куни соат 11.00 да Гулистон шаҳридаги «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 24 апрель куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (0-367) 226-38-91. Расмий сайт: www.1kms.uz**

501A/02

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби жамоаси Олий мактаб ўқитувчиси Дилфуза Мариповага волидаи муҳтарамаси
**ДИЛБАРХОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Стэнфорд университети (АҚШ) мутахассислари алюминий-иондан тайёрланган ҳамда букланадиган турдаги батареялар ишлаб чиқаришди.

**Б**угун озод ва обод юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари, ҳатто, олис гўшалари ҳам бетакрор кўрку таровати билан кишини ўзига мафтун этиб, қалбларда ғурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдирмоқда. Бу, албатта, истиқлол шарофати, мустақиллик йилларида изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасидир.

Хусусан, ўтган 23 йил мобайнида **Сирдарё вилояти** иқтисодиётининг барча тармоғида ҳам Давлат ва ҳудудий дастурлари ижроси тўла таъминлангани туфайли оламшумул ўзгаришлар юз берди.

Ушбу саҳифада ана шу ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида, шунингдек, вилоятнинг бой тарихи ва ноёб табиати, эзгу мақсадлар рўёби йўлида фидокорона меҳнат қилаётган сирдарёликларнинг салоҳияти, қўлга киритаётган ютуқлари, ўзига хос ҳаёт тарзи ва турмушидан шукроналиги хусусида ҳикоя қиламиз.



# Водийларни яёв кезганда

Вилоятда ўтган йили ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми **2** триллион **692** миллиард сўмликни ташкил этиб, аввалги йилдагига нисбатан 7 фоиз ўсишга эришилди. Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми эса 3 миллион 500 минг сўмликка етди.

**ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**

Якунланган йилда вилоят тасарруфидаги ҳудудий корхоналар томонидан **74,3** миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ва хизматлар экспорти амалга оширилди. Натижада белгиланган прогноз 102,2 фоизни ташкил этди.

Сирдарё туманидаги "Пенгжонг Хингшенг" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида "UZTE" савдо белгиси билан **7** турдаги мобиль телефон аппаратлари ишлаб чиқарилмоқда.

*Маълумки, Сирдарё вилояти яқин ўтмишда Мирзачўл кенгликларида ташкил этилиб, айнан мустақиллик йилларида обод ҳудудга айланган бўлса-да, бу ерда юртимизнинг минг йиллар нарисидаги тарихидан ҳикоя қилувчи обида ва манзиллар кўп. Хусусан, ҳозирги кунда археологлар қазишма ишларини олиб бораётган "Эски Ховос" тепалигидаги ер қатламлари Сирдарё шаҳрининг ёши икки минг йилдан зиёд эканлигини исботлайди. Сардоба туманидаги "Ёғочли сардоба" эса Буюк Ипак йўлида муҳим аҳамиятга эга сув манбаи ҳисобланган. Бу халқаро йўлда карвонсаройлар мавжуд шаҳарлар ҳам бўлиб, уларнинг бири Хушкат деб аталган.*

## Сайёҳлар талпинган шаҳар

**Х** аср охири ва XI асрнинг биринчи ярмида "Самарқанд — Зомин — Ховос — Бинокат" йўналишида эса Устуршонадан Сирдарё бўйлаб Чочга борадиган йўл қурилган. У "Эски Бинокат йўли" дея номланган. Ховосдан сафарга чиққан карвон Сирдарёнинг чап қирғоғидаги Бинокат (Шоҳруҳия) шаҳри яқинидаги кечув орқали Шошга ўтган. Дарё ўзанининг ёйилиб оқадиган ушбу қисми муҳим стратегик, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга манзил саналган. Яъни у карвонлар тўпланадиган жой бўлганлиги сабабли, бу ерда уларга хизмат кўрсатиш тизимини яратишни ҳаётнинг ўзи тақозо этган. Натижада кечувнинг чап қирғоғида, яъни Бинокатнинг қарама-қарши томонида, ҳозирги Сайхунобод туманидаги Нурота қишлоғи ўрнида Хушкат шаҳри бунёд этилган.

### МОЗИЙДАН САДО

Тадқиқотларда келтирилишича, Хушкатда IX аср охиридан XVI асрнинг биринчи ярмигача қайноқ ҳаёт давом этган. Буни шаҳар ўрнидан топилган пишиқ ғиштлар, Қорахонийларнинг Шошдаги элоқхони Алхан ал-Адил томонидан 1003-1004 йилларда Бинокатда зарб этилган мис тангалар ва ушбу даврга оид турли сопол буюмлар тасдиқлайди.

Афсуски, Хушкат 1219 йили Чингизхон лашкарбошилари Оллоқнўён ва Сукэту Чэрби бошчилигидаги 5 минг аскарлик қўшин томонидан вайрон қилинган. Лекин мазкур шаҳарнинг мамлакат коммуникация тармоғидаги улкан аҳамияти Амир Темур бобомизнинг эътиборидан четда қолмаган. Шу боис Соҳибқироннинг буйруғига биноан, 1391 — 1392 йилларда у қайта тикланган бўлса, Мирзо Улуғбек даврида Хушкат карвон йўлидаги муҳим шаҳар ҳисобланган.

Хушкатнинг шаҳар сифатида инқирозга юз тутишига аввало, Буюк Ипак йўлининг ўз фаолиятини тўхтатиши сабаб бўлган. Чунки унинг тақдири бевосита шу йўлдаги қатнов билан боғлиқ эди. Шаҳар қисмати Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги Шоҳруҳия билан бир хил кечиб, сўниши ҳам Шоҳруҳияники билан бир вақтга тўғри келган.

Эътиборли жиҳати, аждодларимиз томонидан бунёд этилиб, кўп йиллар давомида уларнинг сафарларида хизмат қилган иккала шаҳар халқимизнинг азалдан йўлсозлик борасидаги салоҳияти юксак бўлганлигини кўрсатади.

**Солижон ҚУДРАТОВ,**
**тарих фанлари номзоди,**
**доцент.**

Кузатгансизми, олис тоғлару даштлардан эниб келувчи Сирдарё Мирзачўл кенгликларига етгач, ёйилиб оқади, аммо у бир зум тўхтамайди.

## Эзгулик мўъжизаси



**С**ирдарёликларнинг бугунги бунёдкорлик ва яратувчанлик йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳам, ифодали қилиб айтганда, ана шу азим дарё оқимидек жўшқин ва бетиним. Уларнинг фидокорона меҳнати маҳсуллари эса обод манзилларда, файзиёб хонадонларда, ҳудуднинг йилдан-йилга иқтисодий жиҳатдан равнақ топиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда. Бир вақтлар, асосан, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилган Сирдарё вилоятида ҳозирги кунда замонавий технологиялар билан жиҳозланган ўнлаб йирик корхоналар ишлаб тургани ана шундан далолат беради.

— Эсимда, ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида кичик майдонда вилоятимизда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилар эди, — дейди меҳнат фахрийси Абдурашид Абдуллаев. — Қаранг, ўша пайтда шу жойни тўлдириш ҳам амримаҳол эди. Ҳозир эса бундай тадбирни ўтказиш учун Гулистон шаҳрининг энг улкан биноларидан бири — "Алпомиш" спорт мажмуаси ҳам торлик қилиб қолмоқда. Бу эса ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бораётганлигига ёрқин мисолдир.

Қувонарлиси, бу ерда саноатнинг кўплаб тармоқлари ўзаро уйғун ҳолда ривожлантирилмоқда. Хусусан, четдан келтирилаётган қурилиш материалларининг сони тобора қисқариб, улар ўзимизнинг ихтисослаштирилган ўнлаб катта-кичик корхоналаримизда ишлаб чиқарилмоқда. Аниқроғи, сувоқ ашёларидан тортиб, мураккаб конструкцияли темир-бетон буюмларидан иборат бўлган кўплаб маҳсулотлар буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда Янгиер, Гулистон шаҳарлари ва Мирзаобод туманида тадбиркорлар томонидан лок-бўёқ ва елим ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани, Сирдарё туманидаги "Пенг-Шенг" қўшма корхонасининг кафеллари эса мамлакатимизнинг барча ҳудудидаги қурилиш-таъмирлаш ишларида кенг қўлланилаётгани диққатга сазовордир.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилаётган бундай истиқболли лойиҳалар ижросини енгил ва озиқ-овқат саноати, фармацевтика соҳаси ҳамда иқтисодиётнинг бошқа кўплаб тармоқларида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, ўтган йили енгил саноат йўналишида иккита йирик — Янгиер шаҳрида "Омад текс" ва Бахт шаҳрида "Бектекс" корхоналари ўз фаолиятини бошлаган бўлса, "Гулистон сокс бизнес" масъулияти чекланган жамиятида пайпоқ, "Гелиос Гулистон интернешнл" корхонасида йилига икки минг тонна калава ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Таъкидлаш керакки, вилоятда дори-дармон ва бошқа тиббиёт воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ҳам йил сайин кўпаймоқда. Масалан, бултурнинг ўзида Боёвут туманида "Сирдарё ликорайс экстракт" хорижий корхонаси, бошқа туманларда "Темур мед фарм", "Река мед фарм", "Бахт текс фарм", "Амалий мед фарм", "Коди фарм" корхоналари ишга туширилди. Айни пайтда шприц тайёрлашга ихтисослаштирилган "Гулистон медтехника" корхонаси ҳам фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.

Аграр соҳа вакиллари — фермерлар эса ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларига қўл уриб, пахтачилик ва ғаллачилик билан бир қаторда, балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик, асаларичилик йўналишларида катта муваффақиятларга эришаётгани эътирофга лойиқдир.



## «Қовунхона» сири нимада?

Ховос туманидаги Қайирма қишлоғининг деярли барча хонадонларида ошхона, омборхона, оғилхона, ҳаммом қаторида "қовунхона" деб аталувчи иморатлар ҳам мавжуд. Ана шу табиий музлаткичлар туфайли бу ерда ўрик гуллаган паллада ҳам сархил полиз маҳсулотларини топиш мумкин.

### ТАДБИРКОРЛИК

*Х*алқона музлаткичларнинг деворлари оддий хом ғиштдан тикланган. Қизиғи, тўрт томонида ҳам эшиклари бор. Яна деворлар ва томларда туйнуклар бўлиб, пировардида улар ичкарида ҳаво айланишини таъминлашга хизмат қилади.



Қовунхоналарнинг кенг-мўл сатҳига тўшалган майин қум эса ердан кўтариладиган намликка тўсиқ бўлади.

Қайирмаликлар қовун сақлаш юмушига ҳозирликни нав танлашдан бошлайдилар. Кўп йиллик тажрибага кўра, "Хоразм қирқмаси", "Раис уруғ" ҳамда шу қишлоқлик халқ селекционери яратган ва унинг номи билан юритиладиган "Ҳошим уруғ" навли қовунлар шулар жумласидан бўлиб, уларнинг уруғи ғалладан бўшаган майдонларга экилади. Ҳосил мезон шамолидан баҳра олиб пишиб етилгач, даладан зиён-заҳмат етказилмаган ҳолда ташиб келтирилади. Сўнгра қовунлар сараланиб, қамиш поясидан тўқилган тўрхалталарга солинади, бири-бирига тегмайдиган ҳолатда қовунхонага қават-қават қилиб териб чиқилади.

— Бизнинг қовун сақлаш усулимиз ўзига хос, — дейди агроном Исоқ Мамарасулов. — Яъни бу юмушни ҳеч қандай махсус ускуна ёки воситаларсиз, фақат табиий ашёлар орқали амалга оширамиз. Қовунхоналаримизда, ҳатто, иситиш тизими ҳам йўқ. Шундай бўлса-да, қаҳратон қиш кунларида ҳам маҳсулотни совуқ урмаслиги учун етарли ҳарорат сақланади. Сабаби, минг-минглаб қовунларнинг ўзидан, деҳқон тили билан айтганда, "нафаси"дан керакли иссиқлик пайдо бўлади.

*Дарҳақиқат, Мирзачўл заминида етиштирилган қовунлар ширинлиги билан нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам маълуму машҳур. Хусусан, қайирмаликлар ўз маҳсулотларининг Европа ва Осиё мамлакатларигача етиб бораётганидан фахрлансалар, Мирзаобод туманининг "Тошкент" маҳалласида яшовчи бир гуруҳ деҳқонлар ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари охирида Американинг Калифорния штати фермерларига қовун экиш агротехникасини ўргатишганликларини ғурур билан эслаб юришади.*

Сирдарё иссиқлик электр станциясининг ёрдамчи балиқчилик хўжалигида очиқ сув ҳавзалари йўқ. Аксинча, бу ерда балиқлар ёпиқ, яъни махсус бино ичидаги ҳовузларда боқилади. Яна қанақа балиқлар денг, бошқа жойларда деярли учрамайдиган Африка лаққаси!

## Икки сотих ҳовуздан — 5 тонна балиқ

ИБРАТЛИ ТАЖРИБА

— Биз парваришлаётган лаққа балиқ иссиқсевар, — дейди ёрдамчи хўжалик иш юритувчиси Ҳусниддин Ҳасанов. — Гап шундаки, уларга 14 даражадан 35 даражагача иссиқликдаги сув зарур. Бундай ҳароратдаги сувни эса электр станциясидан оламиз.

Мазкур сув жонивори очиқ ҳавода ҳам маълум вақт ҳаётчанлик хусусиятига эгалиги билан турдошларидан тубдан фарқ қилади. Аниқроғи, у жабраси устидаги махсус аъзоси орқали нафас олиб, 14 — 47 соат давомида яшашга қодир. Муҳими, маҳсулдор ва боқиш муддати ҳам қисқа. Масалан, саккиз ой давомида балиқларнинг энг кам вазни бир килограммни ташкил этади. Ҳатто, шу давр мобайнида бир нечтаси 7 килограммгача тош босиши ҳам кузатилган. Буларнинг бари 2 сотих ҳовуздан 5 тоннагача балиқ овлаш учун имкон яратади.

— Қовоқ, чиғаноқ, чаноқ, ўрик данаги, қамиш, маккажўхори барги, сомон, каноп — булар мен ҳунармандчиликда ишлатадиган ашёлар. Кўриниб турибдики, ҳаммаси табиий ва энг муҳими, ортиқча харажат талаб қилмайди. Улардан санъат асарлари ва совғабоп буюмлар тайёрлайман.

## Чиғаноқдан — натюрморт, ёғочқовоқдан — кўза

ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Туғилиб ўсган қишлоғим Сирдарёга яқин эмасми, болалик даврим шу дарё бўйида ўтган. Ўшанда энг севимли машғулотим соҳилдаги чиғаноқларни териш эди. "Қанийди, шулардан нимадир ясай олсам", деб орзу қилардим. Улғайиб, санъат соҳаси бўйича ўрта махсус маълумотга эга бўлгач, чиғаноқдан ҳақиқий асарлар ярата бошладим. Биласизми, Сирдарё чиғаноқлари рангларга бой. Яъни уларга ҳеч қандай бўёқ ишлатмасдан туриб, дидингиздаги мавзуни акс эттириш мумкин.

Ҳовлида ҳар йили кўп эмас, икки туп ёғочқовоқ ўстираман. Унинг ёғочқовоқ дейилишининг сабаби шуки, пўсти қалин, мустаҳкам бўлади. Ҳар бири турли ҳажмда 30 тагача қовоқ тугади. Уни енгил кўза, хум ва бошқа миллий кулоллик идишлари кўринишига келтириш учун каноп ипни асосий восита сифатида танладим. Натижа кўнгилдагидан ҳам аъло чиқди. Ҳозирги кунда ана шу ҳунармандчилик маҳсулотларим ва бошқа табиий ашёлардан ясалган амалий санъат асарларим турли кўргазмаларда юқори баҳо олмоқда.

Албатта, бундай даражага етишимизда давлатимиз томонидан биз, ҳунармандларга яратилган шароит ва имкониятлар ҳамда беқиёс эътибор муҳим омил бўлмоқда.

**Ўктам ШОДМОНҚУЛОВ,**
**ҳунарманд, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси.**
Гулистон тумани



2014 йилда Ширин ва Бахт шаҳарларида мусиқа ҳамда санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни чоғда вилоятда 15 та ана шундай таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Гулистон шаҳридаги 1-мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Билолиддин Нарзуллаев Бокуда ўтказилган "Муғом" халқаро фестивалининг махсус дипломи билан тақдирланди.

Ҳозирги кунгача вилоятдаги 16 та қишлоқ врачлик пунктига қуёш батареялари ўрнатилди.

Бахт шаҳрилик Лочин полвон Ҳусанов ярим соатда 16 килограммлик тошни 542 марта кўтариб, Америка Қўшма Штатлари очиқ чемпионатининг кумуш медалига сазовор бўлди. Ўтган йилнинг бошида эса сайхунободлик Сайёра Йўлдошевага "Шашка бўйича халқаро гроссмейстер" унвони берилди.



**Саҳифа материалларини «Халқ сўзи» мухбирлари Икром ЎТБОСАРОВ ва Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 120 785 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 21.35 1 2 3 4 5